



Расул Ҳамзатов таваллудининг 100 йиллигига



АМАЛДОР МУХТОРБЕКОВ СТОПНИ МУШТПАДИ...

Таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг машҳур “Менинг Доғистоним” китоби ижодкорлар учун қўлланма вазифасини ўтаб келаяпти. Нимани ёзиш, нимани ёзмаслик керак? Қандай ёзиш, қандай ёзмаслик керак? Шу саволларга жавоб берилган китобдаги лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мавзу ўлган балиққа ўхшаб, сувнинг юзида тескари ҳолда қалқиб турмайди. У тирик балиқдай сувнинг тубида, тез оқар жойида, энг тиниқ сувда, гирдобида. Сен уни жойида ушла, гирдобдан, шаршара остидан ушлаб ол. Ахир, оғир меҳнат қилиб топилган пул билан кўчадан топиб олинган пулнинг ўртасида фарқ бор-ку.

Ҳа, ҳар бир ижодкорнинг омад кулиб боққан куни бўлади ва у ўша куни ўз-лигини кашф қилади, ўз мавзусини топади. Аммо ижодкор топган мавзусини ўзгартирмаслиги керак. Агар у мавзусига бевафолик қилса, менинг битта танишимнинг ҳолига тушиши мумкин.

БИР ТАНИШИМНИНГ КИТОБИ ҲАҚИДА

Қайси йили эсимда йўқ, бирдан мамлакатимизга Гоголлар, Шедринлар керак деб айтила бошланди. Эҳтимол, ҳажвий асарларга эҳтиёж сезишгандир.

Бир танишим бор эди – бирозгина шоир, бирозгина ёзувчи, бирозгина муҳаррир. Бир сўз билан айтганда адабиётчи. У чакирикка “лаббай” деб жавоб бериб, ҳажвий шеърлардан иборат китоб чиқарди. Ҳажвий шеърларида тухматчиларни, лаганбардорларни, текинхўрларни, кўп бор уйланганларни ва бошқа бир талай салбий хислатлари бор кишиларни танқид остига олганди.

(Давоми 6-саҳифада)



(Давоми 7-саҳифада)

МИЛЛИОНЛАБ КЎЧАТ ЭКИШ

ВА САРАТОН ЧИЛЛАСИДА ҚУРИТИШ

“АНЪАНА” СИГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?

Кўпгина ташаббусларнинг жуда тезкор, “урхо-ур” билан бошланишию, айтарли самара бермасдан тўхташи ёки сусайиши бизда одатий ҳол. Бунга хоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин. 2021 йил ноябрь ойида республикамиз, айниқса, Тошкент шаҳрида бўлган чанг-тўзон бўрони эсимизда. Ўшанда зудлик билан “Яшил макон” умуммиллий дастури эълон қилинди. Ҳокиму вазирдан тортиб мактаб ўқувчиси, боғча тарбияланувчисиғача кўчат экиш кампаниясини бошлаб юбордик. Ҳа, бунақанги кампаниявозлик қон-қонимизга шу қадар сингиб кетган.

Хуллас, “Яшил макон” дастурига кўра, истиқболдаги 5 йилликда мамлакатда 1 млрд. туп кўчат экиш, 2021 йил ноябрь-декабрь ҳамда 2022 февраль-май ойларида 200 млн. туп ниҳол экиш мўлжалланган эди. Бир қараганда ҳаммаси ортиғи билан удаланди, яъни 213 млн. дона кўчат экилди. Ҳисоботлар берилди, якуний натижага келганда эса ишлар кўзбўямачилик билан қилингани маълум бўлди. Кўчатларнинг аксарияти суғориш имкони бўлмаган жойларга экилган, устига-устак қўшиб ёзишлар туфайли ёзнинг чилласига бориб бормай 12 млн. 400 минг туп кўчат қуриб нобуд бўлди. Кимга қандай билмадиму, аммо юқоридаги рақам одамни чуқур мулоҳазага даъват этади. Эсиз шунча меҳнат, шунча маблағ! Кўкламда минг-минглаб кўчат экиш, “приписка” қилиш ҳамда айниқса, саратон чилласида қуриштишдек бу “анъана” узок йиллардан буён давом этиб келаётгани эса ҳақиқий фожа. Мабодо, ўтган 20 ёки 30 йилда экилган ниҳоллар тўлиғича тутиб кетганда борми, бугун Ўзбекистон дунёдаги энг сердарахт, улкан боғ-роғлар мамлакатига айланмасмиди?

Республика Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳақимовнинг яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги чиқишида ўтган давр мобайнида 2 миллиондан ортиқ кўчатлар ҳисоботга “экилди” деб қўшиб ёзилгани таъкидланди. Шунингдек, 7,3 млн. туп кўчатлар суғориш тизими мавжуд бўлмаган жойларга ўтказилган. Экилган 1,8 млн. туп кўчатни парваришlash учун эса бирон бир масъул (эга) белгиланмаган. Навоий вилоятида 3,2 млн, Тошкент вилоятида 1,9 млн, Сурхондарёда 404 минг, Хоразмда 338 минг, Қашқадарёда 336 минг, Қорақалпоғистонда 283 минг ва Тошкент шаҳрида 247 минг туп кўчатлар қуриб қолди. Хўжасизлик дегани шу-да! Вазирнинг айтишича, жазо чораси сифатида 753 нафардан ортиқ ҳуқуқбузарларга нисбатан 1 млрд. 156 млн сўм миқдорида жарима қўлланилган. Мунтазам равишда кимгадир жарима қўллаш, хайфсан берилишига қарамай ушбу ҳолат(иллат) йиллаб, керак бўлса, ўн йиллаб давом этиб келаётганига нима дейиш мумкин?

Вазирлик ҳам бу жараённинг боши-кети йўқлигини англаган чоғи, эндиликда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида дарахтларни экишни пудратчи ташкилотга топширишни кўзда тутмоқда. Яъни кўчат экувчи компаниялар тендер орқали танлаб олинади ва 3 йил давомида дарахтлар парвариши ҳам уларга юклатилади. Қаерга ва қанақа дарахт ёки кўчатларни экишни эса “Яшиллойиҳа” лойиҳалаш институти белгилаб беради. Мазкур режалар иш бериб, шояд яқин йилларда юртимиз ҳудудлари яшилликдан гуллаб-гуркираб кетса!

(Давоми 4-саҳифада)

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида мамлакат тараққиётига, аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган бир қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш эътибор марказида бўлиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш маълум қилинди.

Таъкидлаш жоиз, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади. Кейинги йилларда бу борада қатор саъй-ҳаракатлар, кўплаб лойиҳалар, дастурлар ишлаб



чиқилиб, улар асосида субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Хусусан, ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ҳам кенг ҳажмдаги ишлар қилинди. Масалан, 2023 йилда 15 минг нафар имконияти чекланган ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Дастур асосида ўтган 4

ой давомида 5,0 минг нафар имконияти чекланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашилди.

Яна бир муҳим масала. Юртимизда камбағалликни қисқартириш борасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилиниб, молиявий инструментлар, инфратузилма масалалари ҳал қилиниши натижасида ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1,5 триллион сўм субсидиялар ажратилмоқда.


Бу саъй-ҳаракатлар туфайли биргина ўтган йили 1 миллион нафар, 2023 йилнинг биринчи чорагида 210 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилди. Масалан, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” ва Ижтимоий ҳимоя реестри орқали 2 миллион 300 минг мухтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган ватандошларимиз моддий ёрдам билан тўлиқ камраб олинди.

Эътиборлиси, маҳаллаларда касб-хунарга ўқитиш марказларининг ташкил этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоли институт фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам ҳудудларда ўз самарасини бермоқда.

Бу каби эзгу ишлар замирида инсонни рози қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, касб-хунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, аҳолининг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш мақсади мужассам, десак асло муболаға бўлмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, инсон қадри ва фаровон ҳаёти учун кейинги етти йилга мўлжалланган улкан ислохотларни амалга оширишда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



ҲАР БИР КҮН – ИМКОНИЯТ, ҲАР БИР КҮН – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Кечаги ва бугунги кунни солиштириб бўлмайди. Чунки ўзгаришлар, янгиланишлар шу қадар шиддат билан давом этаптики, гоҳида ақл бовар қилмай қоляпти. Ўзбекистон ана шундай шиддаткор замоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта ижобий бурилишлар рўй бераётган, дунёга интеграциялашаётган ҳамда ўз халқи хоҳиш-иродасини рўёбга чиқараётган давлат сифатида дунёда ном қозонмоқда.

Дунё эътироф этган муҳим сиёсий жараён Президент сайлови ўзида халқимиз хоҳиш-иродаси ва орзу интилишларини намоён этди. Бунинг бутун дунё аҳли тан олди. Гап сайлов ҳақида кетар экан, бу жараён демократик тамойиллар асосида ўтгани билан катта аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида, Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида батафсил фикр юритди.



Нутқида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида фикр билдирилиб, қуриладиган саноат корхоналари лойиҳаларида қаттиқ назорат ўрнатилиши, Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилиши, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда, ишлаб чиқариш индустриясини кучли даражада ривожлантириш масалалари ҳақида айтиб ўтилди.

Ҳақиқатда, давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, мамлакатимизда бугун мавжуд бўлган

саноат салоҳияти, очиқ айтиш керак, дунёдаги кўпгина давлатларда йўқ. Биз мана шундай ноёб салоҳиятимизни янада ривожлантириш, юртимизни қудратли индустрия маконига, юқори технологиялар, инновациялар, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий мамлакатга айлантириш бўйича катта-катта дастурлар қабул қилмоқда ва уларни амалга ошириш бўйича катта саъй-ҳаракатлар олиб борилади.

Фикримнинг сўнггида Юртбошимизнинг “Ўзбекистонимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари кўп. Лекин бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлигимиз бу – ягона, аҳил оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимиздир” деган ибратли фикрларини келтириб ўтмоқчиман. Зотан, юртимизда халқларнинг аҳиллиги ва тотувлиги, меҳнатсеварлиги ва самимийлиги ҳақиқатда катта бойлигимиздир. Шундай экан, бу тинч, хотиржам ва тобора гуллаб-яшнаб бораётган юрт истикблигига хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ЯНГИ ДАВР КЎПРОҚ ҲАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Жорий йилнинг 14 июль куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентликка сайланган Шавкат Мирзиёев қасамёд қабул қилди ва ўз лавозимини бажаришга киришди. Мазкур танатанали маросимда янгиланган Конституциямизда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш энг олий мақсадимиз эканлиги таъкидланиб, бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, сайловчилар ҳаётини яхшилаш, инсон кадрини, эркинликларини таъминлаш учун барча куч ва имкониятларимизни жалб қилиш зарурлиги, шу мақсадда мавжуд ҳукукий-меъёрий базани янгилаш, янги қонунларни қабул қилиш, мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, мухтасар қилиб айтганда, қонунчилигимизни тезроқ Конституциямизга мослаштириш вазифаси берилди.

Таъкидланганидек, ислохотларимизнинг таъсирчанлигини ва ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, ўзининг дастурхонида сезиши зарурлиги, ўзгаришларни ижтимоий ке-

либ чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларимиз ўзининг тақдирида, ижобий томондан туб бурилиш даври сифатида хис қилиши учун, камчиликларимиз ва хатоларимиздан тўғри хулоса чиқарган ҳолда фаолиятимизни қайта режалаштириш зарурати асослаб берилди.

Қонунчилик ва ижро ҳокимиятини такомиллаштириш, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчиликни ҳудудлардаги муаммолар ичига чуқурроқ кириши, аниқ мақсад ва вазифаларни, лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш орқали, халқимизнинг ишончини оқлаш нафақат вазифамиз балки ин-

соний бурчимизга айланиши зарурлиги бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолини ичимлик суви, электор энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш ижтимоий давлатимизнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Албатта, халқимиз қонунлари устувор бўлган жамият ва халқларвар давлатни қуришда депутат ва сенаторлардан, ижро ҳокимиятидан янги ташаббус ва ғояларни, зиммасида бўлган вазифаларга ҳалоллик ва масъулият билан ёндошувни кутмоқда.

Биз ҳам, ўз навбатида сайланган Президент томонидан илгари сурилган вазифалар ва халқимиз кутётган



туб бурилиш ва ўзгаришлар даврида ўз олдимизга қўйилган вазифаларни масъулият билан, янгича шижоат ва ғайрат билан амалга оширишимиз ҳамда Янги Ўзбекистон билан ҳамнафас ҳолда янгича ёндошувни талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, янги давр Ўзбекистон учун амалий натижалар даврига айланади.

Шоҳиста ТУРҒУНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



ТўРТ ЮЛДУЗЛИ УНИВЕРСИТЕТ МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Таълим ва тарбияда танаффус бўлмаслиги аниқ ҳақиқат. Бу эса тинимсиз изланиш, мақсадли ҳаракат, ўқув - педагогик жараёнга масъуллик ҳамда тизимли интилишни талаб этади. Ана шундагина муваффақият ва натижалар юзага чиқиши тайин.

Муҳтарам Президентимиз нажот таълимда, нажот билимда дея эътироф этарканлар, уларнинг фикрини қувватлаш асносида самарадорлик ва тараккиётнинг қафолати ҳам айнан таълимга эътибор билан боғлиқ дегингиз келади.

«ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот университети QS Халқаро рейтинг агентлиги томонидан 4 юлдузли университет сифатида тан олингани бунинг ёрқин исботидир.

Дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларидан бири ҳисобланган QS (Quacquarelli Symonds) томонидан ташкил қилинган бу йилги QS Stars аудит баҳолаш рейтинги натижаларига кўра, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети дунёнинг ТОП Университетлари рўйхатида 1000 баллик баҳолаш шкаласида 689 балл тўплаб, 4 юлдузли Университет мақоми берилди.

QS Stars бу халқаро рейтинг тизими бўлиб, таълим муассасасини батафсил кўриб чиқиш имконини беради. Жумладан, мазкур рейтинг дунё университетларини таълим муҳити, халқарола-



Teaching



Employability



Facilities



Inclusiveness



Research



Land Management and Cadastre



Social Responsibility



Internationalisation

шув, илмий тадқиқот ва инновация, академик ривожланиш, ўқитиш, битирувчиларнинг иш билан таъминланганлик даражаси, ўқув дастурлари салоҳияти, онлайн таълим, алоҳида соҳалар бўйича рейтинг, университетдаги яратилган қулайликлар, санъат ва маданият, ижтимоий масъулият ва инклюзивлик бўйича баҳолайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «ТИҚХММИ» Миллий Тадқиқот Университети QS Халқаро Рейтинг Агентлигининг 2023 йилда эълон қилинган QS World University Ranking by subjects да 3 та фан соҳаси Муҳандислик ва Технологиялар, Табиий Фанлар ҳамда Атроф муҳит муҳофазаси бўйича дунёнинг ТОП-500 талик университетлари рўйхатида эътироф этилган эди ҳамда Осиё ва Тинч океан минтақаси университетлари рейтингда ТОП-301 ўринда, Марказий Осиё минтақаси бўйича 14-ўринда ва Ўзбекистон бўйича 1-ўринда қайд этилган эди.

«ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот университетининг QS Stars халқаро рейтинг тизими алоҳида йўналишлари бўйича қўлга киритган натижала-

ри қуйидагича:

Немис мутафаккири Йоган Гётенинг бир фикри бор. «Рақамлар дунёни бошқармайди, рақамлар дунёнинг қандай бошқарилаётганини билдиради.» Дарҳақиқат, рақамлар илдамликни, ҳаракатлар самараси ва натижаларни белгиловчи мезон эканига шубҳа йўқ.

– Университетимиз жамоасининг ушбу ютуқлари замирида, – дейди ректор, профессор Баҳодир Мирзаев, – рақамлар ортида машаққатли меҳнат, тинимсиз ҳаракат ва изланишлар, энг муҳими, давлат ва ҳукуматимизнинг илму-таълимга оид қонун ва қарорларига жавобгарлик ҳисси борлигини эътироф этиш ўринлидир.

Инновацион ва инвестицион ташаббуслар, таълимий жараёндаги ва педагогик фаолиятдаги бирдамлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ютуқларимизнинг гаровидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ
«ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот
университети Матбуот хизмати раҳбари,
профессор.

(Боши 1-саҳифада)

**ФАОнинг хавотирли
хисоботи**

Бундан 2 йилча аввал БМТ-нинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) экспертлари хисоботларида Ўзбекистон ўз сув захираларининг 169 фоизидан, Туркменистон 144 фоизидан фойдаланаётганини қайд этган эди. Минтақадаги Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонда ҳам ичимлик суви сарфи жаҳон меъёрларидан анча юқорилиги таъкидланган. Исрофгарчиликни камайтириш йўли, сув захираларини янада самарали бошқариш ва қишлоқ хўжалигини модернизациялаш юзасидан тавсиялар ҳам берилган эди. Айни кунда глобал исиш жаҳон қишлоқ хўжалиги тизимини сув билан таъминланишига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўпгина минтақалардаги каби Марказий Осиёда ҳам ёгингарчилик йилдан йилга камайиб, қурғоқчилик, чўллашиш тобора кучаймоқда. Бу кетишда 2050 йилга бориб, Ўзбекистонда 7 млрд кубометр сув етишмаслиги юзага келиб, у дунёдаги 33 та сув тақчил мамлакатлар қаторидан жой олиши мумкин. ФАО хулосасига кўра, жаҳон бўйича ичимлик сувининг 72 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги, 16 фоизи саноат ишлаб чиқариши ва 12 фоизи маиший хизмат соҳасига сарфланмоқда. Айни вазиятда жаҳон аҳлининг учдан бир қисми – 2,3 млрд. аҳоли ичимлик суви етишмайдиган мамлакатларда, 733 млн. аҳоли эса сув ўта тақчил ўлкаларда истикомат қилаётир.

**Тошкент аҳолиси
энг кўп сув ичади(ми)?**

Кўшни давлатда Кўштепа каланининг ишга тушиши, тоғли минтақаларда абадий музликларнинг эриб бораётгани, қурғоқчилик фонида сувдан тежамли фойдаланиш масаласи кун тартибидан биринчи ўринга кўтарилди. Олий Мажлис Сенатининг 42-ялпи мажлисида Борий Алихонов пойтахтда сув сарфи аҳоли жон бошига суткасига 400 литрни ташкил этаётганини таъкидлади. Мутахассис дунё шаҳарларини Тошкентга таққослаб, аҳоли жон бошига суткалик сув сарфи Берлинда 124 литр, Амстердамда 156 литр, Лондонда 165 ва Москвада 249 литрни ташкил этишидан бизларни огоҳ этди. Маҳаллаларда, кўчаларда дарахтлар ёки гулларни шлангдан суғораётган шахсларга нисбатан жарималар қўлланилаётгани ҳақида гаплар тарқалмоқда.

Қишлоқ хўжалигига эса ичимлик сувининг қарийб 90 фоизини (дунё бўйича ўртача 65 фоиз) сарфламоқдамиз. Коммунал соҳага 4,5 фоиз, саноат ва энергетикага 4,3 фоиз ҳамда балиқчиликка 1,2 фоиз. Аниқроғи, қишлоқ хўжалигида ҳар

бир гектарга сув сарфи бизда айрим мамлакатларга нисбатан 2-2,5 баробар кўп. Экин майдонларига сув етказишдаги йўқотишларнинг эса сабаблари талай: ирригация тизимларидаги носозликлар, иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий объектлар, айрим ҳолларда эса аграр соҳада сувдан фойдаланишда эскирган усул ва воситаларни қўллаш ва ҳоказо.

Шу ўринда айрим ижобий фактларни ҳам айтиб ўтмасак бўлмас. Хусусан, мамлакатда сув сарфи ўтган аср 90 йилларига нисбатан 64 млрд. кубометрдан ҳозирда 51

нини таъкидлади. Нима бўлганда ҳам ишқилиб, сувни тежай олсак бўлди.

Хорижда қандай?

Дарвоқе, тоза ичимлик суви тақчил мамлакатлар дунёда анчагина. Аммо уларнинг аксарияти бугунги кунда сувдан оқилона фойдаланиш йўллари қидириб топиб, амалиётга изчил жорий этмоқда. Эндиликда биронта ҳам оқар дарёси бўлмаган Саудия Арабистони, БАА, Қатар давлатлари ёки Сахройи Кабир ҳудудидаги ўлкаларнинг сувдан тежамкор фойдаланиш тажрибасини

билиб қўйишимиз ҳам фойдадан холи эмас:

– Қишлоқ хўжалиги суғоришида сувдан фойдаланиш коэффициентини 90-95 фоизга етказиш, анъанавий суғориш усулларидадан воз кечиш, томчилаб ва бошқа сув тежовчи технологияларни қўллаш, нисбатан кам сув талаб қиладиган экинларни экиш;

– сув тақчиллиги шароитида аҳолини сувдан оқилона фойдаланишга ўргатиш, ичимлик сувидан бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

– ҳудудлар кесимида ерости сув



**МИЛЛИОНЛАБ КЎЧАТ ЭКИШ
ВА САРАТОН ЧИЛЛАСИДА ҚУРИТИШ
“АНЪАНА”СИГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?**

млрд. кубометрга, 1 гектар суғориладиган майдонга сув сарфи эса ўтган даврда ўртача 16 минг кубометрдан 10 минг кубометрга пасайган. Бундан келиб чиқадик, бизда сувни янада тежаш, ҳар томчисидан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳали етарлича бор.

**Кескин таклифлар
тайёрланяпти**

Шу йил 14 июн куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида Иқтисодиёт ва молия вазири Шерзод Кудбиев ҳисобот даврида 1 млн. 600 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминлангани, 3,4 млн. аҳолининг эса ичимлик суви таъминоти яхшиланганини маълум қилди. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига 172 та лойиҳа учун 2,1 трлн. сўм ажратилиб 1800 км. ичимлик суви 50 км. оқова сув қувурлари ўтказилган. Чекка қишлоқларга ичимлик суви етказиш бугун ОАВ ва телеканалларнинг кундалик мавзусига айланган. Шубҳасиз, ушбу чоралар кўплаб ҳудудларда сув муаммосини анча енгиллаштиради. Шу йиғинда вазир ҳукумат сувни сарфлаш маданияти ва уни ўлчаш, етказиб бериш бўйича жуда кескин таклифларни тайёрлаётга-

ўрганишимизга тўғри келади. Исроилда ҳам бу борада катта тажриба тўпланган. Томчилатиб суғориш усули билан бу мамлакат пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик зироатларидан юқори ҳосил олмоқда. Мамлакатда илғор технологияга асосланган “Микорот” компанияси аҳолига 90 фоиз ичимлик сувини етказиб беради. Компаниянинг шўъба корхоналари сув ишларини режалаштириш, керакли ускуналарни ўрнатиш, синовдан ўтказиш, оқава сувларни тозалаш, шўрсизлантириш ва ҳоказолар билан шуғулланади.

**Яна нима қилмоқ
керак?**

Шунда ҳам қанчадан-қанча кўчатлар қурғоқчиликдан нобуд бўлаётган пайтда ҳисоблагич (счётчик) бўйича тўлови қилиб борилаётган ичимлик суви билан дарахтларни суғораётган шахсларни жаримага тортиш масаланинг тўғри ечими эмас, албатта. Ичимлик сувини ишлаб чиқариш қимматга тушаётгани вақт қилинадиган бўлса, экинларни суғориш ҳамда унитазларда фойдаланиш учун истеъмолчига техник сувни етказиб бериш вақти келди. Чунки дунёнинг кўплаб мамлакатлари аллақачон бу йўлга ўтган. Қолаверса, сувни тежаш юзасидан мутахассисларнинг қуйидаги тавсияларини

ресурсларини таҳлилий аниқлаш ҳамда муқобил сув манбаларини (булоқ, қудуқ, ҳовуз, ерости сувлари) қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг захиралари прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш, саноат ва коммунал объектларида тегишли бирламчи механик ва биокимёвий локал оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш;

– ичимлик сувдан фойдаланиш юзасидан назоратни кучайтириш, маиший-техник эҳтиёжлар учун алоҳида сув тармоқларини жорий этиш.

Асл муддао сувни тежаб-тергаш экан, сув энг кўп сарф этиладиган соҳаларда, айниқса, қишлоқ хўжалигида унинг ҳисоб-китобини қатъий олиб боришимиз лозим. Сўзимизни эса ўтган ойда Ўзбекистонга келган ХВЖ директори Кристалина Георгиеванинг мамлакатда сув танқислиги мавзусига тўхталиб, айтган ушбу фикрлари билан якунлаймиз: “Истеъмолчиларни сувни тежашга ўргатиш учун сувнинг бозор нархини белгилаш зарур. Агар биз сувга кадрлашимиз шарт бўлмаган нарса деб қарасак, яхши натижаларга эришиш қийин бўлади.”

Абдужамид АЗИМОВ,
Oyina.uz

АНЕСТЕЗИОЛОГИЯ — ТИББИЁТНИНГ ЮРАГИДИР

Ўз касбининг фидойилари

Деиди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти Боёвут туман тиббиёт бирлашмасининг врач-реаниматологи Нарзикул Худойназаров. — Зеро, тиббиётнинг айнан шу соҳаси муваффақиятли ишламаса, табиийки, даволаш ишлари ожиз бўлиб қолади. Анестезиология тиббиётнинг ричаги бўлиб, организмни тартибга солиш, ҳаётий зарур органларнинг функционал ҳолатидаги бузилишларни тиклашда бош омил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Нарзикул ака ўзининг қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб ана шундай хулосаларига келди. Албатта, бундай хулосага келиш учун тиббиётнинг қозонида қайнай билиш керак. Бу инсон ўз касбига садоқат ила меҳр қўйиб ана ўша қозонда пишиб етилди, мукамал тажрибага эга бўлди.

Нарзикул Худойназаров 1982 йилда ТошМИ (ҳозирги тиббиёт академияси)нинг даволаш иши факультетини муваффақиятли тамомлаб, врач-анестезиолог йўналиши бўйича дастлабки иш фаолиятини бошлади. Қисқа муддат Гулистон шаҳридаги вилоят шифохонасида

меҳнат қилди. Сўнгра ўзининг қадрдон юрти Боёвутга келиб шифокорлик ишини давом эттирди. Албатта, ўша йиллари анестезиология соҳасида мутахассислар жуда кам эди. Нарзикул ака енгни маҳкам шимариб, халқ саломатлиги йўлида ўзини бахшида этди.

Мана, ўша дамларга ҳам 40 йилдан ошибди. Шифокор ўтган йиллар давомида қанчалаб инсонларнинг жонига оро кирди, оғир, хаста беморларни ҳаётга қайтарди. Ишлаш баробарида ўзига муносиб шогирдлар тайёрлади. Нарзикул аканинг ҳозирда беш нафар шогирди Боёвут туман тиббиёт бирлашмасида, устозлари ёнида меҳнат қилади.



— Давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасига, соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги айни муддаодир, — дейди тажрибали шифокор. — Биз кўчиб ўтган янги бино барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Тиббиёт ускуналари, шарт-шароитлар етарли. Фақат ишлаш керак, ёниб меҳнат қилиш керак. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан кафолатланган тиббий суғуртанинг жорий этилаётганлиги қўнғилдаги иш бўл-

ди. Шунга яраша врачлар ҳам тинмай ўқиб, изланиши, ўз касбига муносиб бўлишга интилиши керак.

Ҳақиқатдан ҳам Нарзикул ака доимо изланишда, ўзидаги бор билимларини ёшларга ўргатишга, малакали, етук реаниматорларни етиштириб беришга интилади. Изланишдан, ҳам ўрганиб, ҳам ўргатишдан асло чарчамайди. Биз бу йўлда шифокорга омадлар тилаб қоламиз.

Ашурали БОЙМУРОД

Тадбир

ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида йўл қоида-сига амал қилиб юриш, ҳаракат хавфсизлиги меъёрларига қатъий риоя қилиш муҳим ўрин тутати. Зеро, инсон ҳаётини, унинг хавфсизлигини, нормал яшаш тарзини таъминлашда йўл қоида-си меъёрлари катта аҳамиятга эга.

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишда нафақат ДАН ходимлари, балки мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ЎСТК ходимларининг ҳам роли катта. Зотан бўлажак ҳайдовчиларни, транспорт бошқаруви эгаларини тайёрлаб берадиган ташкилотларнинг ҳам вазифаси жуда масъулиятлидир. Айниқса бу борада жойларда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

“Ватанпарвар” ташкилоти Бекобод туман ЎСТКнинг тарғибот-ташвиқот гуруҳи туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликдаги режасига мувофиқ ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мактаб-гача таълим муассасаларида ва мактабларда тарғибот ишларини қизғин бошлаб юборган. Ана шундай тадбирлардан бири тумандаги 2-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ўтказилди. “Яшил светофор” деб номланган ушбу тадбирни “Ватанпарвар” ташкилоти Бекобод туман ЎСТКнинг бошлиқ ўринбосари Баҳром Ғаниев олиб борди. У ўз сўзида улғайиб келаётган жажжи кичкинтойларга йўл қоида-си бўйича дастлабки тушунча ва маълумотларни берди.

Бундан ташқари тадбир давомида ташкилотнинг илғор ўқитувчилари жажжи кичкинтойларга ҳар бир йўловчи амал қилиши лозим бўлган қоидаларни, йўлларга ўрнатилган белгилар ва бу белгиларнинг маъносини тушунириб беришди. Тадбир сўнгида савол-жавоб шаклидаги викторина ўтказилди. Фаол иштирок этган болажонларга совғалар улашилди.

Гулираъно ЮНУСОВА

САЛОМАТЛИК МАДАНИЯТИ НИМА?

Саломатлик маданияти касалликларнинг юзага келиши ва ривожланиши хавфи омилларини бартараф этиш, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий ва табиий шароитлардан оқилона фойдаланишга қаратилган.

Саломатлик маданияти — саломатлик моҳияти ҳақида билимларга асослан-диган ва ҳаёт фаолияти жараёнида инсонлар ҳуқ-атворини бошқарадиган ҳаётий қадриятлар чизмасидир. Саломатлик маданиятини мувофиқ тамойиллар асосида соғлом турмуш тарзи мотивациясини шакллантиришда муваффақиятли тарбиялаш мумкин. Саломатликни қуришга йўналтирилган соғлом турмуш тарзи мотивациясини шакллантириш, фаол ҳаётий позицияни эгалловчи, мустақил ривожланиш ва мустақил такомиллаштишга имкон берувчи, ҳуқ-атвор стратегияларини сақловчи шахс қадриятлари тизимини ҳамда соғлиқни сақлаш муҳи-тини яратишнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

■ умуминсоний қадриятлар ҳақида инсонлардаги дунёқараш, ўзига ҳурмат, ўз саломатлиги ва атрофидагилар саломатлиги, соматик, психик ва ахлоқий сало-матликни шакллантиришни таъминловчи аксиологик тамойил;

■ болалар саломатлигига ёрдам берувчи омилларни тўлдириб, жисмоний ва ақлий юкламалар ҳамда уларнинг изчил ортиши регламентацияси орқали эри-шиладиган соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича мақсад ва вазифалар-нинг қўлланилишини кўзда тутувчи тадрижийлик тамойили;

■ салбий нуқсонлардан воз кечишга етакловчи билим ва малакаларни қабул қилувчи тизимни ўз ичига олувчи интерфаол фаолият тажрибасига ва таҳсил олувчилар ҳуқ-атворини тўғрилашни шакллантиришга асосланган индиви-дуаллик тамойили;

■ шахс ҳаёти услубини жадаллаштириш, шахс мотивациявий муҳитида ўзга-ришлар асосида индивидуал саломатлик билан фаол шуғулланишга имкон бера-диган соғлиқни сақлаш ва санноген фикрлаш кўникмаларини эгаллаш тамойили.

Биз наслимизнинг келажаги — соғлом авлод учун курашар эканмиз, ўз мақса-димизга эришиш учун миллат и соғлом турмуш тарзида яшашга ўргатишимиз керак. Соғлом авлод деганда, биз фақат жисмонан бақувват фарзандларни эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам бой ва соғлом авлодни назарда тутишимиз лозим. Зеро, маънавий соғлом бўлмасдан туриб, жисмонан соғлом бўлиш мумкин эмас. Ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом авлодга эга бўлган халқни енгиб бўлмайди.

Наимахон ХОДЖАЕВА,

Тошкент вилояти ИИББ Тиббиёт бўлими поликлиникаси
умумий амалиёт шифокори

(Боши 1-саҳифада)

Китоб савдо расталарига чикиб улгурмасдан битта танқидчининг шу китоб ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. Жумладан, у шундай ёзганди: “Бизга Гоголлар, Шедринлар керак деган чуқур мазмунли шиоримизни муаллиф жуда жўн ва ўзига мослаб тушунибди. Кўриб турибмизки, бизнинг орамизда шундай пасткаш ва қора юракли кимса яшаётган экан. Билмадим, китоби-га киритган шунча салбий ҳислатли кишиларни у қаердан олди экан? Наҳотки, шундай одамлар бизнинг мамлакатимизда бўлса? Ахир, у ёзган салбий ҳислатли одамларнинг мамлакатимизда бўлишининг ўзи мумкин эмас. Бундай салбий ҳислатли кишилар қора юракли муаллифнинг бемаъни ҳаёллари маҳсули, холос. Тухмат-уйдирмаларга тўла бу китоб фақат душманларимизнинг тегирмонига сув қуяди”.

Жаҳли чикиб кетган катта амалдор Мухторбеков столни муштлади:

— Қани айт, ялқов, беҳафсала, бунинг устига пиёниста бригадирни сен қаерда кўргансан?

— Ўзимизнинг овулда кўрганман, — дея секингина жавоб қайтарди муаллиф.

— Бу тухмат. Мен яхши биламан, овулимиздаги хўжалик илғор жамоа хўжалиги. Илғор жамоа хўжалигида эса, сен ёзган бригадирнинг бўлиши мумкин эмас.

Гапнинг қисқаси, барча калтак ҳажвчининг бошида синди. Худди Польша журналида чоп этилган карикатурага ўхшаш ҳол юз берди. Унда шундай тасвир бор эди: Уйнинг биринчи қавати балконидаги одам тўртинчи қават балконида турган одамга ғишт отаяпти. Лекин отган ғиштлири тўртинчи қаватга етмай ўзининг бошига қайтиб тушаяпти. Тўртинчи қаватда турган ўша одам биринчи қават балконида турган одамга хотиржам ғишт отаяпти. Карикатура тагсўзи шундай: “Тепадан ва пастдан қилинган танқид”.

Кимдир омадсиз ҳажвчига энг тўғри йўл айбингга иқрор бўлиш деб айтибди ва тайинлабди: Бир марта эмас, тўғри келган жойда айбингга иқрор бўлавер — газетадами, журналдами, мажлисдами, қанча кўп айбингга иқрор бўлсанг, шунча яхши. Шундан кейин ҳажвий китобнинг муаллифи кечирим сўрашга тушиб кетди. Лекин бу камлик қилар экан. Катта амалдор Мухторбеков деди:

— Тухмат тўла шеърларни ёзганидан кейин сенинг ҳеч бир гапингга ишонмаймиз. Сен амалий ишинг билан, қаламининг кучи билан бизга батамом тузалганингни исботлашинг керак.

Танишимга барибир эди: танқид қилиш керакми, танқид қиламан; тузалиш керакми, тузаламан. У ижод столига ўтириб “Меҳнатсевар Маржона” достонини ёзди. Достоннинг қаҳрамони илғор ва фаол киз, бирпасда жамоа хўжалигини илғорлар сафига қўшади, барча режа-маж-

бурийтларини ошириб бажаради, бу билан қаноатланмасдан бадий ҳаваскорлар танловида қатнашиб, ўзи тўқиган шеърни куйлаб биринчи ўринни олади. Достон журналда нашр этилди, алоҳида китоб ҳолида чоп қилинди. Бу вақтда замон ўзгарганди. Ҳажвчини тухматчи, қора

АМАЛДОР МУХТОРБЕКОВ СТОПНИ МУШТЛАДИ...

юрак деб ёзган танқидчилар энди ўз мақолаларида уни ҳаспўшловчи деб аташди. Катта амалдор Мухторбеков яна столни муштлади:

— Бизга айт, камчилиги бўлмаган жамоа хўжалигини қаерда кўргансан?

Айбдор бугал жавоб бермай сукут сақлади. Чунки узун арконда шундай тугунлар борки, қўл билан ечиб бўлмайди, тиш билан ечай десанг ахлат ёпишган. Менинг танишим ҳам тушундики, ундан ҳам шундай тугунни ечишни сўрашяпти. Шу боис у бошини қуйи солганча жим ўтирди.

Кўп ўтмай катта амалдор Мухторбеков кўзбўямачилиги учун ишдан олинди. Унга ҳеч ким ачинмади.

Айтгандай, у чўмилишни яхши кўрарди. Эрталаб ва кечкурун қора ЗИМ машинасида махсус чўмилиш жойига бориб, ёлғиз ўзи Каспий денгизининг намақоб сувига чўкиб ўтирарди. Уйи шундоқ денгиз кирғоғида эди. Аммо ишдан олингандан кейин ҳеч ким Мухторбековнинг денгизда чўмилётганини кўрмади. Чунки умумий чўмилиш жойига боришга бўйни ёр бермасди. Эҳтимол, у ҳамон кеккайиб юрган даврларини кўмсаётгандир.


ЭНДИ САРСОН ПЬЕСАЛАР ҲАҚИДА

Доғистонлик битта ёзувчи жамоа хўжалиги тўғрисида пьеса ёзди. Мавзу қанчалик долзарб бўлмасин театрдагилар пьесани муаллифга қайтарди ва ҳеч қандай узрли сабаблар айтмасдан оддий изох беришди: пьеса бизга ёқмади.

Эҳтимол, бу изох бошқа бировга тушунарли бўлиши мумкиндир, лекин драматургга эмас. Драматург хафа бўлди ва тегишли жойга ариза ёзди. Дарҳол масалани ўрганиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун комиссия тузилди. Комиссия масалани ўрганиш жараёнида пьесанинг мазмуни билан танишди: илғор бригада мўл бугдой ҳосилини йиғиш чоғида қувноқ кўшиқлар айтиб мусобақалашади.

Албатта, пьесанинг бундай мазмуни комиссия аъзоларини

қаноатлантирди. Пьеса театр сахнасида ҳам кўйиларди, лекин бу вақтда кўмиқ чўлларида (айнан қувноқ бригада мусобақалашиб бугдой ҳосилини йиғадиган жойда) бугдой етиштириш ўрнига, пахта етиштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шубҳасиз, ғалла-



чиликка бағишланган пьесадаги шарт-шароитлар пахтачиликка тўғри келмасди. Драматург узок ўйлаб ўтирмасдан пьесани қайта ишлашга ўтирди. Айтиш мумкин-ки, драматург астойдил тер тўқди ва пьесада экилган чигитлар қийғос униб шоналади. Пьеса қайтадан театрда ўқилди. Ўқиш жараёни қизғин кетаётган вақтда янги қарор чиқди. Унда кўмиқ чўлларида пахта етиштириш бугдой ўстиришга нисбатан истиқболсиз экани таъкидланганди ва бундан кейин кўмиқ чўлларида маккажўхори экишга кўрсатма берилганди.

Ишчан драматург яна пьесани қайта ишлашга киришди. Бирок бу воқеа қандай тугабини билмай армонда қолдик, чунки драматург пьесани ёзиб тугатаётган вақтда театр биносига ўт кетди. Драматург ўзининг омадсиз эканидан нолиб, дарёнинг энг тез оқар жойига борди ва пьесаси қўлёзмасини сувга улоқтирди. Энди у пьесасини сувга улоқтирганидан ачинмаяпти.

Яхшиси, бошқа пьесага боғлиқ воқеани ҳикоя қилиб берай. Уни рус драматурги ёзган бўлиб, “Жўшқин одамлар” деб номлаганди. Бу пьеса ғаллачилик-пахтачилик мавзусида эмас, балиқчилик ҳақида эди. Эҳтимол, фақат балиқчилик ҳақида ҳам эмасдир.

Азалдан тоғлиқлар ўзлари туғилган овуллари ташлаб, денгиз бўйидаги текисликда яшагача интилишади. Бу текисликка мослашиш дейилади. Ҳозир бу масалага боғлиқ барча муаммолар тўғрисида гапирмоқчи эмасман, фақат асрлар бўйи қўй боқиб чорвадорлик билан шуғулланган тоғлиқлар текисликка келиб жойлашгач, кўпчилиги балиқчилик билан машғул бўлишини айтмоқчиман, холос. Денгизда ёмон балиқчи яхши чўпондан аёломи? “Жўшқин одамлар” пьесаси шу масалага, яъни олис тоғ овулларида Каспий денгизи бўйига келиб балиқчилик билан шуғулланаётган тоғлиқлар ҳаётига бағишланганди.

Пьесада иштирок этувчи образ-

лар авар бўлгани учун драматург уни авар театрига берди. Аммо авар театри пьесани қабул қилмади.

Энди драматург нима қилиши керак? Унинг ўрнида бошқа бўлганда кайфияти бузилиб, руҳи тушарди. Биласиз, шохмот ўйинида шундай вазиятлар содир бўлади:

қора шох ҳар томондан қуршаб олинган, юришга катак йўқдай. Шу вақт қора от ажойиб юришни амалга оширади, энди оқ доналар жуфтаси ростлашга жой излаб қолишади. Бундай туб бурилишдан кейин оқлар ҳимоя чораларини излашга мажбур.


“Жўшқин одамлар” пьесаси муаллифи ҳам мана шундай “от юришни” амалга оширди. Пьесадаги аварча исмларни кўмиқча исмларга ўзгартирди ва уни кўмиқ театрига топширди. Афсуски, бу “от юриш” ўзини оқламади. Кўмиқ театри ҳам балиқчига айланган чўпонлар тўғрисидаги пьесани сахналаштиришни истамади.

Бизнинг Доғистонимизда кўп миллат яшайди. Пьеса қаҳрамонлари даргин, лезгин бўлди-ю, лекин улардан ҳам яхши балиқчи чиқмади. Драматург пьесасини оч қолган итидай кўчага чиқариб юборди, ўйладики, бирон уйдан қорини тўйгазиб қайтади. Ит ҳамма ҳовлига кириб чиқди, бироқ суяк тополмади.

Бир неча йилдан кейин драматург Москвадаги Адабиёт институтига ўқишга кетди. Маҳачқалъага шундай гап етиб келди, унинг балиқчилари лўлига айланибди. Чунки “Ромэн” лўлилар театри пьесага кизиқиш билдирибди. Ниҳоят, чўлоқ қари қизга куёв топилибди. Ва лекин бу никоҳ узокқа чўзилмади...

АЙРИМЛАР ЎЙЛАЙДИКИ, катта мавзуларга қўл урсам бас, дарҳол буюк бўламан. Аммо буюкликнинг замини оддийликда. Ахир, қаҳрамон ҳақида ёзган ижодкор қаҳрамонга айланиб қолмайди. Дейдилар, бир томчи ёмғирда сел мудрайди. Буюк ва ҳақир одамлар ўртасида қандай фарқ бор? Ҳақирлар катта нарсаларни, улкан воқеаларни кўради, бурнининг остидаги нарсаларни пайқашмайди. Буюклар катта-кичик нарсаларни бирдай кўради, ўзгаларга қатрада Қуёш акс этишини тушунтира олади.

Асрор МЎМИН таржимаси



МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ СИЙМОСИ

(Боши 1-саҳифада)

Фарзанд – умр меваси. Орзулари осмон ота-онанинг рўйи заминдаги умид гулгунчаси.

Бола ҳали дунёга келмасидан унга исм излаймиз. Туғилгач, энг чиройли номлардан бирини танлашга ҳаракат қиламиз. Ўзбек тили дунёнинг энг бой тилларидан бири бўлса, маънодор ва гўзал ўзбекча номлар бир олам!

Ўғил болалар исмида шижоат, мардоналик, хайрихоҳлик каби халқимизга хос фазилатлар учкунлаб турса, қизлар исмидан гул ва баҳорий нафас уфуриб тургандек. Гўзал номлар кўкларнинг дилга хуш ёқувчи шаббо-даси каби руҳиятимизга таъсир қилади.

Рангин маъно ва бетакрор жозибаси билан ҳам ўзбекча номлар ўзига хос ва мослигини намоён этади.

Шахснинг қайси миллатлиги юз кўриниши, шунингдек, исми нималигидан маълум даражада билинади. Бироқ маданият, маърифат ва қадрияти уйғунлашган ўзбек ва тожик халқларига бу мустаснодек. Исмлар умумийлашган. Далер, Хушнуд, Шодиёр, Мохинур, Ситора, Гулчеҳра сингари исмларнинг тожикчаллиги маълум, ўз навбатида болага Ойдин, Юлдуз, Кенжа, Йўлдош, Тошметин, Ўктам, Энажон ва Отабек каби исмлар қўйиш тожиклар орасида расм бўлган. Айрим исмларнинг аслида ўзбекча ё тожикчаллигини билиб бўлмайди.

Улуғ тожик шоири Мирзо Турсунзода Ғафур Ғуломнинг яқин дўсти бўлган. Унинг: “Мен ўзбекман – Турсун оғанинг ўғлиман” деган лутфига Ғафур Ғулом: “Ман тожикман, номам Ғулом”, деб жавоб берган экан. Бу икки халқнинг қай даража яқинлигидан далолат.

Аллоҳ ва унинг расули номига бево-сита боғлиқ исмларга ўзгача эҳтиром ва эътиқод билан ёндашиб, арабчада қандай бўлса, шундайлигича уларни қабул қилганмиз (айрим туркийзабон халқларда эса, масалан, Жаббор “Жапар”га айланган). Назармуҳаммад, Эшқобил, Раҳимқул сингари “ярми арабча” ва “ярми ўзбекча” исмларимиз ҳам бор.

Рус биродарларимизга тааллуқли номларни ҳам ўзгармасдан ёзамиз ва талаффуз қиламиз, лекин улар ўз талаффузларига қулай тарзда, масалан, “Ваҳхоб”имизни – “Вахаб”, “Норкул”имизни – “Наркул” деб...

Боболаримиз номига эҳтиромсизлик ўзимизда ҳам бор. Масалан, Саг-

дуллаев, Агзамов, Ишанов деган фамилиялар мавжуд. Ёхуд Аҳмедов, Мухамедов, Раметов...

Айб метиркада (паспортда) деб ўзимизни оклаймиз. Бир замонлар чаласавод идора котиби “Раҳмонова”ни “Рамонова”, “Бозоров”ни “Бозаров” деб ёзган бўлса шахснинг фамилияси умрининг охиригача “Рамонова” ва “Бозаров” бўлиб қолаверади.

...Болалигимда айрим маҳалладошларнинг исми ғалатироқ туюлар ва мен шу ҳам номми, бошқа ном қуриб қолганми, деб ўйлардим. Кейин билсам, ота-оналар ҳаётидаги турли воқеалар боланинг шундай ном олишига сабаб бўлган экан. Қалбдаги орзу-умид, қувончу шодлик, нияту ҳавас, тилагу армонларнинг исмлар замирида жойлаганини фаҳмлайдиган бўлдим. Англадимки, бундай исмларнинг ҳаммаси ҳам ўйламай қўйилган исмлар эмас!

Сўнгги йилларда чақалоққа Мухаммад, Имрон, Иброҳим, Мустафо, Ма-

ҳам кузатилади. Бир кўшним боласини “Мухаммад Раҳим!” деб чақирганди, “Мамарайимми?” – деб сўрадим. Йўқ, деди у, Мухаммад Раҳим!

Бошқа бир жажжи ҳамсоғамизнинг номи – Ясмина. Онаси Жасмина деган рус дугонасининг исмига ҳавас қилиб, шундай атаган экан. Бу ўша Суман (Ёсуман)нинг бузилган шакли.

Исмларимиздаги ноўрин бир ҳарф унинг маъносини бузаяпти: Гулрух – Гулрух, Комрон – Камрон, Муножот – Муножат, Мусулмон – Мусурмон, Зулайхо – Зулайхо... Абдулло Қодирий бир ўғлига Масъуд деб исм қўйган. Бугунги кунда Масъудга айланди бу исм.

Исмдан шахснинг миллатини англаш мумкин, деб таъкидладик. Ҳамма вақт ҳамми? Бир тотор ўртоғимнинг исми – Рустам, бир миллатдошимнинг номи эса – Руслан.

Фармуда, Афтондил...каби исмларнинг маъноси бормикин? Тил табиатига ёт исмларни тарғиб этувчи турли манбалар ҳам “жарангли” ва “жилва-

Бир кўшним боласини “Мухаммад Раҳим!” деб чақирганди, “Мамарайимми?” – деб сўрадим. Йўқ, деди у, Мухаммад Раҳим!

Бошқа бир жажжи ҳамсоғамизнинг номи – Ясмина. Онаси Жасмина деган рус дугонасининг исмига ҳавас қилиб, шундай атаган экан. Бу ўша Суман (Ёсуман)нинг бузилган шакли.

дина, Имона, Муслима, Мубина деб исм қўйиш оммалашиб борапти. Ҳатто Оврупо ва дунёнинг бошқа қитъаларида. Арабча ном билан ҳеч ким мусулмон бўлиб қолмайди-куя, бироқ мусулмон бўлмаганларнинг ҳам мусулмонча номни танлаётгани аждодий исмларимизда қандайдир ҳикмат борлигидан далолат бераётгандек.

Бугунги кунда Файзулла ва Абдулла (ва ҳоказо)лар ўз исмларини Файзуллоҳ ва Абдуллоҳ шаклида ҳам ёзаяпти. Шева таъсирида “чалароқ” ёзиладиган исмнинг асл ҳолига қайтиши, унга “Аллоҳ” каломининг қўшилишидан дил таскин топади.

Айди чокда “Неъматуллоҳ”лар исмини “Неъматилла” деб ёзади. “Аллоҳ” қўшимчаси “тилла”га айланган. Неъматуллоҳ ўғлимизни “Тилла!” деб ҳам чақираверамиз эркалаб.

Шева таъсирида “қисқарган” айрим исмларнинг асл ҳоли тикланаётгани

кор”, айнаи дамда маъносиз исмларнинг кўпайишига сабаб бўляпти назаримизда.

Ижтимоий тармоқдаги Ismlar.com – “Ўзбек исмларининг маъноси” қуйидаги “замонавий” исмларни (яна ўзбекча деб!) тавсия этибди: Айния, Амалия, Бозгул, Гулабза, Дилрўза, Илзора, Музаффарула, Нафар, Файруз...

Шундай исмлар қўйилганда эшитган одам исм эгасининг ўзбеклигига шубҳаланиши мумкин.

Аждодлар луғатида “аслият” баробарида “миллий асолат” деган ибора мавжуд. Миллий асолат билан ўзбекча на ном қўйиш таомили – бир қушнинг икки қаноти. Исм – миллатнинг маънавий сиймоси.

Исм шахснинг қисмати-ю келажига таъсир қилиши мумкин деган нақл бор.

Мухаммад ШОДИЙ

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23,
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

ИРОДАНГГА ТАСАННО, АСИЛА!

Бугун орамизда ўз интилиши, билими, янги ва фойдали гоёлари билан ташаббускорлик кўрсатаётган ёшларимиз кўп. Асила Мирзаёрова ана шундайлардан бири. У Қарши шаҳрида туғилган. Отаси Убайдулло ака Омонов Шўртан нефт-газ бошқармасига қарашли объектлар бошқаруви ва сервис бўлими бошлиғи бўлиб фаолият юритади. Онаси Дилафрўз опа Ҳасанова ўқитувчи.

Асила оилада 5 фарзанднинг тўртинчиси. У Қарши шаҳридаги 25-мактабда таҳсил олган. 2013-йилгача тенгдошларидек соғлом ҳаёт кечирарди. Ҳаммаси ана шу йилдан бошланган. Навбатдаги ёзги оромгоҳларнинг бирига борганида бошига копток тегиб зарба олган. Шу сабабли аста-секин кўриш қобилияти пасайган.

— Орадан бир неча кунлар ўтса ҳам кўриш қобилиятим аввалгидек бўлмагач ота-онамга бу ҳақда айтдим, — дейди у. — Биз кўп мутахассисларга учрашдик. Аммо бирорта шифокор ёрдам бера олмади. Охири умидимиз операция эди. Лекин операция ҳам биз кутган натижани бермади. Кўзимни кўрадиган қисми ҳам бутунлай кўрмай қолди. Бу кунларни эслаш жуда оғир. Мен учун ташқи дунё ажралиб қолганди.

Мактабни тамомлаб 2014 йилда Қарши шаҳрининг “Агробизнес ва тадбиркорлик” коллежида ўқишни давом эттиради. Яқинлари кўмагида ўқишга қатнаш эди. Ота-онаси тенгдошларидан ажралиб қолмаслик учун ҳаракат қилишарди. У спортга меҳр қўйди. Бунинг

ни, аммо интилиши ва ҳаётга бўлган мақсади юксак натижаларга етаклаши мумкинлигини айтди. Шу кундан бошлаб Асила мураббийи Сардор Абдухолиқовнинг уйида туриб машғулотга қатнай бошлади.

2016 йилда БААда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада иштирок этиб 3 та олтин медални қўлга киритди. Бундан Асила ўзига шундай

югуриш бўйича 2-ўрин, узунликка сакраш бўйича 1-ўринни эгаллади. 2022 йил халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси унвони билан тақдирланди. 2023 йил феврал ойида БААда ўтказилган халқаро Гран-При мусобақасида 100 метр югуришда 3-ўрин, 200 метр югуришда 3 ўрин, 400 метр югуришда 3 ўрин ва узунликка сакрашда 1-ўринни эгаллаб олтин медал соҳиби бўлди. Ҳозирги кунда эса жаҳон чемпионати мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқда.

Асиланинг мақсади аниқ. У ҳозир дадил интилмоқда. Ўз маҳоратини муттасил ошириб, қалбида шижоат, фидойилик, эртанги кунга ишонч, Ватанга муҳаббат туйғулари жўш ураётган бу қиз навбатдаги мусобақаларда кучлироқ тайёрланиб, фақат олтин медални қўлга кириштишни мақсад қилган.

Иродангга тасанно, Асила!

Шавкат КАРОМОВ



асосий сабаби фақат ҳаётга қайтиш эди. Дастлаб илк маротаба югуриш туридаги мусобақада қатнашди ва 1 ўринни олди. Натижаларидан ўзининг кўнгли тўлмаганлиги сабабли мураббийи билан учрашди. Уни терма жамоага қабул қилишини сўради.

Мураббийи унда ҳеч қанақа спортчиларга хос хислат йўқлиги-

мақсадни қўйди: “Бу йўлда қандай машаққат бўлишидан қатъи назар, асло орқага қайтмасдан фақат олдинга интиламан. Қийинчиликлар кўп учраган бўлса-да фақат олдинга интиламан!”

Навбатдаги мусобақа 2018 йилда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтди. Унда бронза медалини қўлга киритди. 2019-йилда Ўзбекистон белгиси кўкрак нишонини қўлга киритди. Шу йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетида грант асосида ўқишга қабул қилинди. 2021 йилда Параолимпиадада қатнашиши учун лицензия мусобақаларида 1-ўринни эгаллади. Ва ниҳоят ўша йили бутунжаҳон ёзги Параолимпиада ўйинларига старт берилди. 2021 йилнинг августида мусобақа қуни аниқ бўлди. 2021 йил Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи унвони билан тақдирланди. Токио олимпиадасида чемпионатда 2 ўрин соҳибига айланди. 2022 йилнинг май ойида Италиядаги Жисолло шаҳрида Грантпри мусобақасида 100 метр югуриш бўйича 3-ўрин, 200 метр

